

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
~~PhD.04/30.12.2019.Тиб.102.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ~~
ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

УМАРОВ ҚОСИМЖОН МИРЗАҚУЛОВИЧ

**ЯНГИ ТУҒИЛГАН ЧАҚАЛОҚЛАРДА НЕКРОТИК ЭНТЕРОКОЛИТНИ
ТАШХИСЛАШ ВА ДАВОЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.35 – Болалар жарроҳлиги

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

САМАРҚАНД – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Умаров Қосимжон Мирзакулович

Янги туғилган чақалокларда некротик
энтероколитни ташхислаш ва даволашни
такомиллаштириш..... 3

Умаров Косимжон Мирзакулович

Совершенствование диагностики и лечения
некротизирующего энтероколита у
новорожденных..... 23

Umarov Kosimjon Mirzakulovich

Improvement of diagnostics and treatment
of necrotizing enterocolitis in
newborns..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 47

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.04/30.12.2019.Tib.102.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

УМАРОВ ҚОСИМЖОН МИРЗАКУЛОВИЧ

**ЯНГИ ТУҒИЛГАН ЧАҚАЛОҚЛАРДА НЕКРОТИК ЭНТЕРОКОЛИТНИ
ТАШХИСЛАШ ВА ДАВОЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.35 – Болалар жарроҳлиги

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

САМАРҚАНД – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2018.2.PhD/Tib708 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.sammi.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Абдусаматов Бобир Закирович
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар: Хамраев Абдурашид Журақулович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ахмедов Юсуф Махмудович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: Республика перинатал маркази

Диссертация химояси Самарқанд давлат тиббиёт институти ҳузуридаги PhD.04/30.12.2019.Tib.102.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «15» май соат 13:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 18-уй. Тел./факс: (+99866) - 233-30-34, e-mail: ilmiyprorektori@sammi.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (~~40772~~ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 18 – уй. Тел./факс: (+99866) 233-30-34.

Диссертация автореферати 2021 йил «10» май куни тарқатилди.
(2021 йил « » даги рақамли реестр баённомаси).



А.М. Шамсиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Г.З. ШодикULOVA

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

Ж.О. Атакулов

Илмий даражаларни берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори диссертацияси (PhD) аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёда янги туғилган чақалоқлар орасида некротик энтероколитнинг учраш даражасининг ортиши унинг тиббий ва ижтимоий аҳамиятга эга эканлигини белгилаб беради. Кам вазнли чақалоқларни парваришидаги эришилаётган ижобий натижаларга қарамасдан некротик энтероколитни учраш частотасини ортиб бориши болалар жаррохлигида муҳим аҳамият касб этади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) томонидан тавсия этилган тирик туғилишнинг янги мезонларига ўтиш, некротик энтероколит билан хасталанган беморларни парвариш қилиш ва даволаш муаммосини долзарблигини кўрсатади «...1000 нафар тирик туғиладиган болаларга ўртача 1-5 нафар касалланиш тўғри келади, улар орасида 80-90% ни эрта туғилган чақалоқлар ва кам вазнли болалар... ҳомила/бола ривожланишининг дастлабки босқичларида ноадекват овқатланишнинг узок муддатли оқибатлари орасида ҳаётнинг ҳар қандай даврида касалликлар ва улардан ўлим хавфи 4-10 мартагача ортади...»¹. Некротик энтероколитни даволаш неонатолог ва неонатал хирургларга қўйилган энг оғир вазифалардан бири бўлиб, оптимал даволаш усулини танлаш амалий тиббиёт учун замон талаби бўлиб қолмоқда.

Жаҳон миқийёсида некротик энтероколитни эрта босқичда тасдиқлаш ва муқобил даво усулини танлаш, жаррохлик даво усулларини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор берилмоқда «...туғруқдаги тана вазни 500 г дан 1500 г гача ва гестация ёши <32 ҳафталик 7% гача бўлган беморлар некротик энтероколитни ўтказишади. Некротик энтероколитнинг жаррохлик босқичлари касал болаларнинг ўртача 50% да содир бўлади...»², касалланиш кўрсаткичининг ортиши, учрайдиган асоратларнинг кенг тарқалиши, жаррохлик даво усулларини такомиллаштириш бугунги кунда алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини яхшилаш, жумладан, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, янги туғилган чақалоқлар орасида некротик энтероколит касаллигини ташхислаш, даволаш ва асоратларини олдини олишга қаратилган қатор вазифалар юклатилган. «...Ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатиш қулайлигини ҳамда сифатини ошириш, тез ва шошилишч тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш, ногиронликнинг олдини

¹ Hirst J., Villar J., Kennedy S., Bhutta Z. Being born stunted and/or wasted need not be inevitable/International Pediatric Association Newsletter Year 2015. Vol. 10; Issue 1: 9–14.

² Gonzalez-Hernandez J., Prajapati P., Ogola G., et al. /Predicting time to full enteral nutrition in children after significant bowel resection. //J Pediatr Surg. 2017 May;52(5):764-767.

олиш...»³ каби вазифалар белгиланган. Шундан келиб чиққан ҳолда, бугунги кунда янги туғилган чақалоқлар орасида некротик энтероколитни ташхислаш ва даволашни такомиллаштириш натижасида чақалоқлар ўлими ва учрайдиган ногиронлик кўрсаткичларини камайтириш бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2017 йил 16 мартдаги ПФ-4985-сон «Шошилиш тиббий ёрдам фаолияти тизимини ташкил этиш ва моддий-техник базани келгусида мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида» ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Замонавий жаҳон адабиётида янги туғилган чақалоқлардаги некротик энтероколит касаллиги дунёдаги тадқиқотчилар эътиборини тортадиган энг долзарб масалалардан биридир (Niño D.F., Sodhi C.P., Naskam D.J., 2016). 1964 йилгача бу патология нозологик шакл сифатида белгиланмаган ва турли хил ташхислар остида мавжуд бўлган: функционал ичак тутилиши, янги туғилган чақалоқларнинг некротик колити, ишемик энтероколит, янги туғилган чақалоқларнинг ичак инфаркти. «Некротик энтероколит» атамаси 1959 йилда эса Н. Rossier ва С. Schmid томонидан таклиф этилган (Holman R.C., Stoll B.J., Curns A.T. et al., 2006). Аниқлаш даражаси 1000 нафар тирик туғиладиган болаларда ўртача 1-5 нафарни ташкил этади, улар орасида 80-90% ни эрта туғилган чақалоқлар ва кам вазли (2500 г дан кам) болалардир. Соғлиқни сақлашни ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида янги туғилган чақалоқларда НЭК муаммоси бўйича кўплаб тадқиқотлар ўтказилди, ташхис қўйиш ва патогенетик даволашнинг турли усуллари таклиф этилди.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947 сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

Бугунги кунга келиб, кўплаб жиҳатлар, хусусан, эрта диагностика мезонлари ва даволашнинг этиопатогенетик усуллари, реабилитацияни дастлабки операциядан кейинги даврида бошқариш билан боғлиқ қарама-қарши фикрлар мавжуд (Totonelli G, Tambucci R, Boscarelli A, et al., 2018). Бундан ташқари, асоратланган НЭКда, неонатолог ва неонатал хирургларда бахсли чегара ҳолати сифатида умумий ва маҳаллий патологик жараёнларнинг жиддий мезонлари етарлича аниқланмаган, бу эса патологик жараённинг оғирлигини ва жарроҳлик даволаш тактикасини аниқлашга имкон бермайди. Неонатал жарроҳликда НЭКнинг жарроҳлик босқичида орган дисфункцияси бўлган янги туғилган чақалоқларда жарроҳлик даволаш тактикасини аниқлаш бўйича тўлиқ келишув мавжуд эмас. НЭК жарроҳлик босқичида ташхис, операцион тактика ва операциядан кейинги реабилитация баъзи масалалар бўйича мунозарали бўлиб қолмоқда (Козлов Ю.А. Ковальков К.А., Чубко Д.М., 2016; Schat T.E., Schurink M., van der Laan M.E., Hulscher J.B., Hulzebos C.V., 2017).

Ўзбекистонда болалар хирургиясининг амалиётида ўткир ичак тутилиши, чақолоқлардаги турли нуқсонлар, некротик энтероколитнинг ультратовуш ташхисоти ва турли болалар жарроҳлик амалиётини амалга ошириш, болалар ҳаёт сифатини ошириш борасида илмий тадқиқотлар олиб борилган (Салимов Ш.Т., 2020; Шамсиев А.М., 2019, Алиев М.М., 2019, Эргашев Б.Б., 2019; Эргашев Н.Ш., 2018; Хамраев А.Ж., 2015; Шамсиев Ж.А., 2020; Абдусаматов Б.З., 2020), бироқ, янги туғилган чақалоқларда некротик энтероколитни ташхислаш ва даволашни самарали тартиби ва тизими етарлича ўрганилмаган.

Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, ҳозирги вақтда болаларда НЭКнинг тактик, техник ва диагностик жиҳатлари замонавий болалар хирургиясининг энг долзарб ва ҳали ҳал этилмаган муаммоларидан бири ҳисобланади. Хирургик даволаш усулининг оператив тактикаси аспектида диагностик мезонларни муҳокама қилиш янги туғилган чақалоқларда НЭК кўрсаткичларининг бирлашишини анча мураккаблаштиради. Замонавий тиббий технологиялардан фойдаланишга қарамай, кўкрак ёшидаги болаларда НЭКни жарроҳлик даволашдан сўнг ҳам асоратлар ва ўлим частотаси жуда юқори бўлиб қолмоқда.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий ишлар режасига мувофиқ №01.1800230 «Болалар орасида учрайдиган турли касалликларнинг кичик инвазив технологиялари асосида ташхислаш ва

даволашни такомиллаштириш» мавзусидаги хужалик илмий лойихаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади диагностик лапароскопия усулини қўллаш орқали янги туғилган чақалоқларда некротик энтероколитнинг жарроҳлик босқичида оператив даволаш самарадорлигини оширишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

даволаш натижаларини ретроспектив таҳлил қилиш ва янги туғилган чақалоқларда асоратланган некротик энтероколитни жарроҳлик тактикаси учун кўрсатмалар ҳосил қилувчи омилларни ҳар томонлама баҳолаш;

жарроҳлик тактикани танлашда инструментал текширув усуллари кўрсаткичларининг диагностик аҳамиятини баҳолаш;

янги туғилган чақалоқларда некротик энтероколитнинг жарроҳлик босқичида эндовизуал радикал жарроҳлик тактикасининг аҳамиятини баҳолаш;

диагностик лапароскопия натижаларига қараб, янги туғилган чақалоқларда асоратланган некротик энтероколитни жарроҳлик йўли билан даволашнинг самарадорлигини баҳолашга қаратилган ёндашувларни асослаш ва клиник амалиётга жорий этиш;

янги туғилган чақалоқларда асоратланган некротик энтероколитни даволашда таклиф этилган алгоритмни самарадорлигини бевосита ва узоқ муддатли натижаларини қиёсий таҳлил қилиш асосида баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2014-2020-йилгача бўлган даврда Республика болалар кам инвазив ва эндовизуал хирургия илмий-амалий марказида даволанган хирургик босқичидаги некротик энтероколитнинг эрта ва кеч асоратлари бўлган 93 нафар янги туғилган чақалоқлар олинган.

Тадқиқотнинг предметини периферик қон ва унинг зардобида биокимёвий ва ичак тўқимаси морфологик текширувга олиш жараёнлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда клиник, биокимёвий, инструментал – диагностик лапароскопия, қорин бўшлиғи рентгенограммаси ва УТТ ҳамда статистик тадқиқот усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

асоратланган некротик энтероколитда ошқозон-ичак тракти перфорация олди босқичида максимал радикал эндовизуал жарроҳлик амалиётини қўллаш самарадорлиги исботланган;

некротик энтероколит асоратлари перфорация олди босқичини эрта баҳолашда чегараланган некротик майдонни резекцияси ва «учма-уч» анастомоз қўйиш, ҳамда перфорация босқичида тешилган ошқозон қисмини

тикиш, икки танали алоҳида энтеро ёки колостома шакллантириш усулларининг самарадорлиги асосланган;

оқсил етишмовчилиги ва модда алмашинувининг бузилиши натижасидаги метаболик ўзгаришлар шаклланган беморларда энтеро ва колостомаларни ёпилиш муддатларига индивидуал ёндошиш зарурлиги аниқланган;

жарроҳлик босқичидаги некротик энтероколитни даволашда диагностик лапароскопиядан фойдаланиш натижасида жарроҳлик асоратларини камайтириш, жарроҳлик травмасини минималлаштириш ва оғир оқибатларни камайтириш орқали беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга асосланган босқичли алгоритм ишлаб чиқилган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

илк бор янги туғилган чақалоқларда асоратланган некротик энтероколитни жарроҳлик босқичида ўз вақтида диагностик лапароскопиянинг қўлланилиши мақсадга мувофиқлиги асосланган;

некротик энтероколитни II-B ва III-A жарроҳлик босқичларида диагностик лапароскопияни қўлланилиши хирургик тактикани визуал аниқлашга имкон бериши мақсадга мувофиқлиги асосланган;

диагностик лапароскопияни қўллаганда некротик энтероколитни эрта босқичида ичак деворидаги ишемик ва некротик ўзгаришларни визуал кўриш, перфорация ривожланиш эҳтимолини баҳолаш ва оптимал жарроҳлик тактикасини танлаш асосланган;

янги туғилган чақалоқларда некротик энтероколитни ташхислаш, даволаш тактикасини такомиллаштиришда диагностик лапароскопияни қўллаш амалий тавсияси ва беморларда энтеро-колостомаларни ёпилиш муддатларига индивидуал ёндошув зарурияти таклифлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи клиник, биокимёвий, клиник-инструментал ва статистик тадқиқот усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, янги туғилган чақалоқларда некротик энтероколитни ташхислаш ва даволашни такомиллаштиришда халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти хирургик даволаш тактикаси алгоритми бўйича шакллантирилган илмий қоидалар, хулосалар ва таклифлар неонатал хирургия соҳасида илмий тадқиқотларни такомиллаштиришга салмоқли ҳисса

кўшиши, ноинвазив ва инвазив ташхисот мезонларини тасдиқлаш орқали янги туғилган чақалоқларда некротик энтероколитни ташхислаш, жарроҳлик даволаш тактикаси натижаларини такомиллаштириш орқали оғир асоратларни ривожланишини баҳолаш ҳамда жарроҳлик тактикасини танлашни оптималлаштириш имконини берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қорин аъзоларни лапароскопик кўришни жорий этиш, оптимал жарроҳлик тактикасини танлаш, янги туғилган чақалоқларда некротик энтероколитни жарроҳлик асоратларини ўз вақтида ташхисини яхшилаш, жарроҳлик даволаш ва реабилитация самарадорлигини ошириш, ўлим сонини камайтириш ва сезиларли даражада жарроҳлик босқичида некротик энтероколитга чалинган болалар ҳаёт сифатини яхшилаш имкони яратганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Янги туғилган чақалоқларда некротик энтероколитни ташхислаш ва даволашни такомиллаштиришни баҳолаш бўйича олинган илмий тадқиқот натижалар асосида:

некротик энтероколитни эрта аниқлаш, муқобил даволаш усулини танлаш ва асоратларни бартараф этиш бўйича олинган илмий натижалар асосида «Янги туғилган чақалоқларда некротик энтероколитнинг жарроҳлик босқичларида даволаш тактикаси алгоритми» услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 30 ноябрдаги 8н-р/511-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг жорий қилиниши янги туғилган чақалоқларда некротик энтероколитни лапароскопик самарали даволаш усулини танлаш имконини берган;

чақалоқларда жарроҳлик даволаш натижаларини яхшилаш, операциядан кейинги даврни қисқартириш ва беморлар ҳаёт сифатини ижобий томонга ўзгартириш бўйича олинган илмий натижалар асосида «Янги туғилган чақалоқларда некротик энтероколитда энтеростомия усули» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 7 январь 2021 йилдаги 8н-з/1-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг жорий қилиниши некротик энтероколитда эндовизуал ташхислаш усулини амалиётда қўллаш орқали беморларда нохуш асоратларнинг камайиши, операциядан кейинги даврнинг қисқариши имконини берган;

янги туғилган чақалоқларда некротик энтероколитни ташхислаш ва даволашни такомиллаштиришга қаратилган тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика перинатал маркази қошидаги даволаш ва ўқув-услубий неонатал хирургия маркази, ҳамда Самарқанд давлат тиббиёт институти 2- клиникаси амалиётига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 22 февралдаги 8н-з/39-сон

маълумотномаси). Олинган натижаларнинг амалиётга тадбиқ этилиши болаларда некротик энтероколитни дастлабки жарроҳлик босқичларида ташхислаш сифатини яхшилаш, даволаш жараёнида ихтисослашган юқори технологияли тиббий ёрдам кўрсатишни сезиларли даражада кенгайтирилиши жарроҳлик асоратлари ва операциядан кейинги ўлим даражасини 67,6% дан 35,1% гача камайтириш ҳамда болаларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисми ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва заруратини асослашга, текшириш мақсади ва вазифалари, объект ва предметларини тавсифлашга бағишланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Некротик энтероколитни ташхислаш ва даволаш тактикасини танлашнинг замонавий талқини**» деб номланган биринчи бобида НЭКнинг эрта асоратларини даволаш учун ташхис қўйиш ва жарроҳлик усулларининг ҳал этилмаган муаммолари ҳақида маълумот берувчи бешта кичик бобдан иборат адабиётлар шарҳи келтирилган. НЭКнинг эрта асоратларини ташхислаш учун нур диагностика усулларининг жиҳатлари бўйича адабиётлар маълумотлари тизимли равишда кўриб чиқилган. НЭКнинг кеч асоратлари, уларнинг даражаси, диагностик тадқиқотлар ва жарроҳлик тузатиш усуллари ҳам ўрганилган. Даволаш тактикасини танлаш

билан боғлиқ муаммолар, шунингдек, кейинги ривожланишни талаб қилувчи мунозарали муаммолар аниқланди.

Диссертациянинг «**Қўлланиладиган усуллар ва материаллар клиник хусусиятлари**» деб номланган иккинчи бобида клиник материал ва тадқиқот усуллари умумий хусусиятлари берилган. Илмий иш 2014 йилдан 2020 йилгача Республика болалар кам инвазив ва эндовизуал хирургия илмий-амалий маркази, болалар жарроҳлиги ва интенсив жонлантириш бўлимида НЭЖ клиникали 93 нафар янги туғилган чақалоқларни ўрганиш ва даволаш натижалари таҳлили асосида бажарилган. 53 нафар ўғил болалар (57%) ва 40 нафар қизлар (43%) бор эди. Болаларнинг ёши 1-2 кундан 28 кунгача ўзгариб турди. Янги туғилган чақалоқларнинг кўпчилиги, яъни 67,7% (63 нафар бемор) вақтидан олдин туғилган эди. Янги туғилган чақалоқлар гестацион ёшга қараб бўлинди, кузатишларимиз кўрсатишича, кўп ҳолларда улар 32-35 ҳафталик бўлиб, ўртача тана вазни $1624,6 \pm 96,4$ грамм бўлган. Экстремал кичик тана вазни бўлган болалар (1000 гдан кам) 6 нафар (6,5%), жуда паст тана оғирлиги (1000-1500 г) – 23 нафар (24,7%), паст тана оғирлиги (1500-2000 г) -19 нафар (20,4%), (2000 -2500 г) 15 нафар (16,1%). 30 нафар -(32,3%) (2500 г ва ундан ортиқ) беморларнинг максимал тана вазни – 4200 г, энг кам тана вазни эса – 830 г бўлган.

Рентген-сонографик тадқиқотлар ва клиник-биокимёвий қон анализлари, урино-копрология НЭЖ билан оғриган барча чақалоқларда амалга оширилди. НЭЖ учун характерли рентгенологик белгилар қўйидагилар: ичак тутқичларининг кенгайиши (100% ҳолларда); газ тўлдирилувчанлиги камайиши ва ичак қовузлокларининг ассиметрик жойлашуви; ичаклар пневматози 91(98%); портал вена тизимида газ 14 (15,1%); пневмоперитонеум 37 (39,8%); қорин бўшлиғида суюқлик 71 (76,3%).

Клиник қон таҳлиллари натижаларига кўра - яллиғланиш реакцияси белгилари, 36,3% лейкоцитоз ёки 69,7% лейкопения, 36,3% нейтрофилёз ёки 57,6% нейтропения, 62,6% лейкоформулани чапга силжиши, 78,8% тромбоцитопения.

Қоннинг биокимёвий таҳлиллари кўра - яллиғланиш синдроми борлиги, гипонатремия, буйрақларнинг экскретор функциясининг бузилиш белгилари - мочевина, креатинин кўрсаткичларининг ошиши аниқланди.

Реконвалесценция босқичида ва олдиндан қўйилган ичак стомасини ёпиш учун операцияга тайёргарлик кўришда ичакнинг ўтказувчанлигини баҳолаш учун рентген контраст ўрганиш амалга оширилди.

Қорин бўшлиғини УТТ билан, айниқса, НЭЖни жарроҳлик босқичида текширганда, қорин бўшлиғида газ ёки суюқлик мавжудлигини, нишон симптоми, пневматоз, портал вена тизимида газ, гидрперитонеум ва

бошқаларни кўриш мумкин. Қорин бўшлиғи аъзоларини ултратовушли текширганда, ичак деворининг турли даражадаги қалинлашганлигини, ичак қовузлоқларининг ригидлиги ва кенгайиши, перисталтиканинг пасайишини визуал кўришимиз мумкин. Тадқиқотларнинг 80,8% да латерал каналларда ва тос бўшлиғида ичак қовузлоқлари орасидаги анэхоген, гомоген экссудат кўринади.

Патоморфологик текширув патологоанатом С.О. Ахмедов томонидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги патологик-анатомия марказида амалга оширилди. Жами 38 та текширув амалга оширилди, шу жумладан; - 19та (50%) ҳолатда ёнбош ичак, 6 та (15,8%) ҳолатда оч ичак, 7 та (18,4%) ҳолатда йўғон ичак ва 6 (15,8%) ҳолатда ошқозон.

Морфологик тадқиқот материаллари операция вақтида аниқланган некрозга учраган ва резекция қилинган жойлар эди. Ичаклар 10% формалин эритмасида, сўнгра стандарт ўтказгич ва парафин блокларида фиксацияланди. Препаратларнинг бўялиши гематоксилин ва эозин, пикрофуксин билан, флорани қўшимча бўяш Романовский бўйича амалга оширилди. Ишда 10, 20, 40 марта катталаштирилган «Olympus» фирмаси (Япония) СН-2 нинг ёруғлик микроскопидан фойдаланилди.


Ингичка ичак, йўғон ичак ва ошқозоннинг резекцияланган қисмларини морфологик жиҳатдан ўрганишдан мақсад НЭЖ жарроҳлик босқичида ичакда кечадиган деструктив жараёнлар мавжудлигини аниқлашдан иборат эди.

Гистологик материал таҳлили шуни кўрсатдики, зарарланиш чуқурлиги ва содир бўлган деструктив жараёнлар босқичи ичак тракти узунлигида бир хил эмас. Улар НЭЖнинг клиник босқичига боғлиқ бўлиб, бу муаммони янада чуқур ва мақсадли ўрганадиган тадқиқотчиларнинг илмий ишларида тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларини статистик қайта ишлаш «MS Office» компьютер дастурлар пакети ёрдамида амалга оширилди. Ўртача қийматлар (M – арифметик ўртача ўлчов), ўртача (m) нинг стандарт хатолиги ва ўртача-квадрат (стандарт) оғиш (σ) аниқланди. Фарқларнинг аҳамияти t -ишончли коэффициенти (Стьюдент мезони) ёрдамида баҳоланди.

Диссертациянинг **«Янги туғилган чақалоқларда некротик энтероколитнинг жарроҳлик босқичида ташхислаш ва даволаш тактикаси»** деб номланган учинчи бобида 93 нафар НЭЖ билан хасталанган чақалоқларнинг 12 нафарида I-Б босқич, 14 нафарида II-А, 6 нафарида II-Б босқич; 16 нафарида III-А ва 45 нафарида III-Б босқич ўрнатилди. 26 нафар беморларда I- Б ва 14 нафари (14,1%) нафари II-А босқич, қолган 12 нафарида эса касаллик НЭЖнинг II-Б босқичига айланди. Умуман олганда

79-84,9% беморлар НЭКни жарроҳлик даволанишга зарурияти бор эди. НЭК жарроҳлик босқичидаги беморларни тақсимланиши 1-расмда кўрсатилган.



1-расм. Беморларни некротик этероколитнинг клиник босқичига қараб тақсимланиши

Хирургик босқичдаги беморлар орасида III-Б босқичидаги беморлар катта фарқ билан устун бўлиб, бу жойларда янги туғилган чақалоқларда НЭКни кеч ташхисланишидан далолат беради.

Янги туғилган чақалоқларни НЭК жарроҳлик босқичида тақсимланиши, уларнинг 18 нафари (22,8%) II-Б, 16 нафари (20,3%) – III-А ва 45 нафари (56,7%) III-Б босқичидаги беморлар сифатида таснифланган.

Даволаш даврига қараб жарроҳлик босқичида НЭКга чалинган беморлар (71 нафар янги туғилган чақалоқ) 2 та қиёсий гуруҳга бўлинди.

1-гуруҳ «солиштириш» 34 (47,9%) нафар янги туғилган чақалоқлар 2014-йилдан 2017-йилгача бўлган даврда клиникага қабул қилинди. Бу гуруҳдаги болаларнинг ўртача тана вазни 1265 ± 356 гр., гестация ёши 26-32 ҳафтани ташкил этди. Беморларнинг ушбу гуруҳида радикал жарроҳлик аралашуви «очик» усул билан амалга оширилди.

Беморларнинг 2 – «асосий» гуруҳи ўз ичига 37 нафар (52,1%) янги туғилган НЭКга чалинган чақалоқларни (2018 йилдан 2020 йилгача бўлган даврда) ўз ичига олиб, оператив даволаш стратегияси лапароскопик ташхисот натижаларига асосланган эди.

Солиштириш гуруҳидаги оператив даволаш тактикаси касалликнинг клиник босқичига боғлиқ эди. Қайд этиш керакки, неонатал жарроҳлик бўлими фаолиятининг дастлабки даврида деярли барча беморлар (82,4%) НЭКнинг III-А ва Б босқичларида ётқизилди.

Операциялар интубацион наркоз остида амалга оширилди. Қорин бўшлиғини пухта ревизиясини таъминловчи параректал лапаротомиядан

фойдаландик. Операциянинг кейинги кўлами қорин бўшлиғи ревизияси натижаларига, ошқозон-ичак трактида аниқланган ўзгаришлар (некроз, перфорациялар), уларнинг локализацияси ва зарарланган худуднинг қай даражада бўлишига боғлиқ эди. 1-жадвалда қорин бўшлиғи аъзоларини ревизияси натижалари асосида беморларнинг солиштириш гуруҳида амалга оширилган жарроҳлик аралашувларнинг асосий усулларини кўрсатади.

20,6% ҳолларда (7 нафар бемор) ичак стомаси билан янги туғилган чақалоқларда асоратлар кузатилди. Такрорий жарроҳлик аралашувлари 23,5% (8 нафар бемор) ҳолатларида амалга оширилди. Беморларнинг солиштириш гуруҳида ўлим 67,6% ҳолларда кузатилди. Беморларнинг назорат гуруҳида НЭЖли беморларнинг ўртача касалхонада қолиши $19,5 \pm 1,5$ ўрин жой кунини ташкил этди.

Жарроҳлик босқичли НЭЖга чалинган беморларнинг асосий гуруҳида (37 нафар чақалоқларда) оператив даволаш тактикаси клиник ва инструментал тадқиқотлар натижаларига асосланган эди, аммо операцион тактикани куришда асосий эътибор ДЛ натижаларига, айниқса II-Б и III-А босқичларидаги НЭЖга қаратилди. Хирургик даволаш (лапароцентезни ҳисобга олмаганда) ДЛ билан бошланган бўлиб, унинг натижалари хирургик даволашнинг кейинги тактикасига асосланган эди.

Ишимизда «Карл Шторз» (Германия) компаниясининг лапароскопик жамланмасидан фойдаландик. Видео оптика диаметри 3,0 мм гача.

Қорин олд деворини параумбиликал сохадан Вереш игнаси билан кирилиб газ босими 2-4 дан 8 мм/сим.ус. остида пневмоперитонем қўллашдан сўнг, ҚБ тафтиш амалга оширилди ва унинг асосида кейинги жарроҳлик тактикаси ҳал қилинди. Қўшимча ишчи портларни киритиш нуқталари меъда-ичак йўлининг қайси қисми ва қандай ҳажми патологик ўзгарганига (перфорация, некроз) қараб танланди.

1-жадвал

Беморларнинг солиштириш гуруҳида некротик энтероколитни жарроҳлик йўли билан даволаш натижалари

Кўрсаткичлар	Назорат гуруҳи n = 34		Ўлим сони	
	абс.	%	абс.	%
Лапаротомия – ёнбош ичак резекцияси – энтеростомия	3	8,8	2	5,9
	1	2,9		
Лапаротомия оч ичакни резекцияси – энтеростомия	7	20,6	4	11,8
	2	5,9		
Лапаротомия ёнбош ва оч ичакларнинг катта қисмининг резекцияси, энтеростомия	2	5,9	2	5,9
	1	2,9		

Лапаротомия йўғон ичак резекцияси, колостомия	5	14,7	3	8,8
	1	2,9		
Лапаротомия, ошқозон перфорациясини тикиш	7	20,6	3	8,8
	-	-		
Лапаротомия -бирламчи илеостомалар қўйиш	10	29,4	9	26,5
	2	5,9		
Лапароцентез ва қорин бўшлиғи дренажи	28	82,4	-	-
Жами	34	100,0	23	67,6
	7	20,6		

Ошқозон перфорацияси соҳасида кичик ўлчамли алоҳида перфоратив тешиклари (0,5 см гача) ва ичак девори перфорация атрофида бироз шиш мавжуд бўлганда, ичак бўшлиғининг торайишига олиб келмаслик учун кўндаланг йўналишда атравматик игна билан икки қаторли чоклар билан тикдик.

Биз ичак деворининг перфорацияси 5-6 см узунликда кузатганимизда, ёки ошқозон перфорацияси атрофида инфилтрация аниқланган бўлса, унда ичакни резекция қилиш соғлом тўқималар чегарасида амалга оширилди ва «учма-уч» ичак анастомози (ингичка ичакда) ёки икки танали энтеро ёки колостомиялар мирилапаротомия орқали шакллантирилди.

Лапароскопик ташхисот жарроҳлик травмани камайтириш имконини беради, агарда операция даволаш лапароскопия билан тугаса, кичик беморни сақлаб қолиш ва фаоллаштириш имконияти бир неча марта ортади, чунки тўлиқ маънода организмнинг ресурслари интраоператив йўқотишлар минималлашади. Операциядан кейинги жароҳат чоклари етишмовчилиги, ичаклар эвентрацияси, операциядан кейинги жароҳатни йиринглаши, ичак парези ва бошқалар каби операциядан кейинги ҳар қандай асоратлар истисно қилинади, уларни ҳар қайсиси НЭКни даволаш натижасида ҳалокатли хавфини оширарди.

Беморларнинг асосий гуруҳида лапароскопия қўлланилиши натижасида жарроҳлик босқичида касалликнинг бошқарув тактикасида олиб борилиши билан бир қаторда операциядан сўнги даврда жароҳат чокларининг етишмовчилиги, жароҳатдан ичак қовузлоқларини эвентрацияси, ичаклар парези ошиши ҳамда ўлим каби нохуш жарроҳлик асоратлари сезиларли даражада камайди.

Беморларнинг асосий гуруҳида, баъзи ҳолларда, операция мирилапаротомия орқали ошқозон перфорацияси лапароскопик чок билан яқунланди. Хирургик травма, айниқса 3 (8,1%) ҳолатда меъда перфорациялари билан минималлаштирилди. Бундан ташқари, биз турли стомаларни иложи

борича камроқ қўйиш тамойилига амал қилдик ва операцияни радикал аралашув билан тугатиш учун имкон қадар кўпроқ ҳаракат қилдик, айниқса НЭЖни 2-Б босқичида.

Лапароскопик ташхисотдан кейинги минилапаротомия орқали видео ассистентлаш билан операция 30 (81,1%) ҳолларда амалга оширилди.

Лапароскопик ташхисот - конверсияси 7 нафар беморда (18,9%) амалга оширилди - бу одатда 3-Б босқичидаги НЭЖ билан оғриган беморлар эди. Беморларнинг асосий гуруҳида ўлим даражаси 35,1%ни ташкил этди (13 нафар бемор).

Ичак стомаларини парвариш қилиш ота-оналар учун ҳам жиддий психоэмоционал травма бўлиб, биз энтеро ёки колостомияни имкон борича олдини олишга ҳаракат қилдик ва операцияни радикал бажардик (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал

Лапароскопик ташхислашда ва кейинги минилапаротомиядан кейин амалга оширилган операциялар

Кўрсаткичлар	Асосий гуруҳ, n= 37		Ўлим сони	
	абс.	%	абс.	%
ДЛ – минилапаротомия видеоассистентлаш билан ошқозон перфорациясини тикиш	3*	8,1	-	
ДЛ – конверсия ошқозон перфорациясини тикиш	2	5,4	1	2,7
Лапароскопия резекция минилапаротомия орқали ёнбош ичакни «учма-уч» анастомози	8*	21,6	1	2,7
ДЛ минилапаротомия - ёнбош ичак резекцияси, стомани шакллантириш	9*	24,3	4	10,8
ДЛ кўндаланг чамбар ичакни қисман резекцияси, минилапаротомия орқали колостомани шакллантириш.	5*	13,5	2	5,4
ДЛ –тафтиш - конверсия лапаротомия қисман ёнбош ва оч ичакни резекцияси- энтеростома	7	18,9	4	10,8
ДЛ- минилапаротомия орқали колостомани шакллантириш.	3*	8,1	1	2,7
Жами	37	100	13	35,1

Изоҳ: * белгиси операция видеоассистент билан минилапаротомия орқали амалга оширилганлигини кўрсатади.

Шундай қилиб, 11 (29,7%) ҳолларда радикал жарроҳлик видеоассистентлаш билан минилапаротомия орқали амалга оширилди.


Минилапаротомия орқали энтеро ва колостомия шаклланиши - 8 (21,6%) ҳолларда ичак некротик соҳаларида резекция амалга оширилди.

13 нафар (35,1%) ҳолатда операциядан кейинги даврда лапароскопик ташхисот томонидан бажарилган операциялар ҳалокатли бўлган.

Шундай қилиб, жарроҳлик босқичида НЭКни жарроҳлик даволаш тактикасини лапароскопик даволаш натижасида, ичак стомасини шакллантириш учун кўрсатмалар ҳам нисбатан камайди, мос равишда 27-79,4% ва 24-64,8% га. Ўлим даражаси 67,6% дан -35,1% = 32,5% гача камайди. Бундан ташқари, гуруҳларни қиёсий таҳлил қилинганда беморлар шифохонада даволаниш вақти ўртача $19 \pm 1,5$ ў/ж кун дан $15,4 \pm 1,2$ ў/ж кун муддатлари қисқарди.

Беморларнинг асосий гуруҳида жарроҳлик жароҳатини минималлаштириш туфайли жарроҳлик босқичида НЭКни даволаш натижалари нисбатан яхшиланди.

Касаллик клиник босқичларига биноан шаклланган даволаш алгоритмидан фойдаланиб даволанган 2 та жарроҳлик босқичидаги беморларнинг гуруҳлари даво натижаларини таҳлили қилинганда биз қуйидаги хулосага келдик (2-расм).



2-расм. Янги туғилган чақалоқларда НЭКни даволаш тактикаси алгоритми

Қайд этиш лозимки, ўз вақтида ташхислаш ва НЭК жарроҳлик босқичида жарроҳлик аралашувларни амалга ошириш учун эндовизуал технологияларни

кенг жорий этиш орқали жарроҳлик аралашув натижаларини сезиларли даражада яхшилаш мумкин.

Шундай қилиб, яратилган ва синалган даволаш алгоритми касалликнинг жарроҳлик босқичида янги туғилган чақалоқларда даволаш ва диагностика тактикасининг асосий онларини акс эттиради, неонатолог, неонатал хирург ва реаниматор ишини тизимлаштиради.

Диссертациянинг **«Янги туғилган чақалоқларда некротик энтероколитнинг жарроҳлик босқичи билан анъанавий ва лапароскопик жарроҳлик аралашувлари натижаларини қиёсий таҳлил қилиш»** деб номланган тўртинчи бобида 2014-2020-йиллар давомидаги НЭЖнинг эрта ва кеч асоратлари, жарроҳлик амалиётининг натижалари ёритилган. Жарроҳлик босқичида НЭЖга чалинган 79 нафар янги туғилган чақалоқларнинг, операция олди тайёргарлик пайтида, ҳатто шошилишч лапароцентез ва ҚБ дренажидан кейин ҳам, биз 8 нафар (10,1%) болаларни ўтказилган интенсив даволаш ва реанимация қилишимизга қарамасдан кўпламчи аъзолар етишмовчилиги туфайли сақлаб қололмадик. Бу болалар РБКИЭХИАМга қабул қилинганидан кейин биринчи 3-12 соат ичида нобуд бўлишди, улар назорат ёки асосий гуруҳга ҳам киритилмади, чунки биринчи ёрдам ва реанимация тактикасида улар ўртасида ҳеч қандай фарқ йўқ эди. Болалар асосан чуқур чала туғилган, 3 нафари тана вазни 1000 г дан кам, 3 нафар-1500 г дан кам бўлиб, ЮТН, ҲИИ ташхиси билан ҳамроҳликда бўлган.

НЭЖга чалинган 34 нафар янги туғилган чақалоқларнинг назорат гуруҳида 23 нафари (67,6%) нобуд бўлди, қолган 11 нафари (32,4%) эса чақалоқлар патологияси бўлимига ўтказилди.

Асосий гуруҳдаги 37 нафар боладан 13 нафари (35,1%) нобуд бўлди ва 24 нафар бемор чақалоқлар патологияси бўлимига кейинги реабилитация учун ўтказилди.

Шундай қилиб, биз 71 нафар янги туғилган чақалоқдан қолган 35 нафарида (49,3%) даволаш натижаларини НЭЖнинг жарроҳлик босқичида хирургик даволашни узоқ муддатли натижаларини таҳлил қилдик.

Беморларнинг асосий гуруҳида 37 лапароскопик ташхисот амалга оширилди. НЭЖнинг жарроҳлик босқичида асосий гуруҳдаги лапароскопик ташхисот натижалари радикал жарроҳлик билан яқунланди. 8 (21,6%) ҳолатда ингичка ичакнинг зарарланган қисмини резекция қилиш минилапаротомия орқали «учма-уч» анастомози билан амалга оширилди, 19 та (63,4%) ҳолатда ичак стомаси қўлланилди ва 3 (10%) ҳолатда меъда перфорацияси минилапаротомия орқали чокланди.

Жадвалдан кўриниб турибдики, радикал жарроҳлик ёки ичак стомасининг шаклланиши НЭЖни II-Б ва III -А босқичининг барча ҳолатларида лапароскопик ташхисот олдин қилинган.

III- Б босқичда ДЛ 3 (8,1%) та ҳолатда, яъни ошқозон перфорациясида бажарилган бўлиб, у мирилапаротомия орқали видеоассистентлаш орқали тикилган.

8 (21,6%) ҳолатда лапароскопик ташхисот - мирилапаротомия, ёнбош ичак резекцияси, «учма-уч» анастомози қилиниб радикал операция ўтказилди. Мирилапаротомия орқали лапароскопик радикал мини-инвазив аралашувларнинг умумий сони 11 (29,7%) га етди.

Лапароскопия иштирокида ёнбош ичак радикал резекциясидан сўнг ичак анастомози чоклари етишмовчилиги НЭЖнинг II-Б босқичида 8 ҳолатнинг 1 тасида (12,5%) кузатилди. Бемор энтеростомани қўллаш билан релапаротомияни бошдан кечирди, аммо кўпламчи аъзолар етишмовчилигини операциядан кейинги эрта даврда бартараф қилиб бўлмади ва бемор нобуд бўлди.

Шундай қилиб, мирилапаротомия орқали радикал даволаш жарроҳлик аралашув ва операцияларга айлантирилган ДЛ натижасида беморларнинг асосий гуруҳида 1 (9,1%) ҳолатда ўлим кузатилди. 18,9% (7 нафар бемор) ДЛ лапаротомия конверсияси - анъанавий «очиқ» операция билан якунланди.

Шуни таъкидлаш лозимки, таққосланаётган гуруҳларда, асосий гуруҳда мирилапаротомия орқали операцияни бажаришдан ташқари, энтеро ёки колостомалар шакллантириш усуллари қўллашда фарқлар бўлмаган. Бундан ташқари, кўп ҳолларда, хусусан, энтеро ёки колостомия операцияларидан кейин юзага келадиган ҳар қандай асоратлар ўртасида сезиларли фарқлар йўқ. Лекин биз лапаротомия, ҚБни қайта кўриб чиқиш, ичакни некротик жойларини резекция қилишдан кейин анъанавий тактика билан, стома - контраппертура орқали кўпчилик тадқиқотчилар томонидан тавсия этилган усулда шакллантирилгани истисно тариқасида тушунтириб берамиз. Бунда операцион жароҳат узунлиги жуда ортади (лапаротом кесма + контраппертура орқали стомани шакллантирувчи кесма), бундай ҳолларда тўғри пропорционал равишда танадаги жарроҳлик травма ва тўлиқ организмнинг зўриқиши ортади, катта қон йўқотиш хавфини оширади, исталмаган асоратлар юзага келади.

Лапароскопияда мирилапаротомия кесмаси орқали стомани шакллантириш операцияси нисбатан минимал травма билан амалга оширилади. Шу билан бирга, қорин олд девори НЭЖни даволашда анъанавий тактикага нисбатан камида 2 марта кам шикастланади. Шунга кўра, йиринглаш ва жароҳат чоклар етишмовчилиги, ичак ковузлоклар

эвентрацияси каби асоратлар ривожланиш хавфи сезиларли даражада камаяди. Жарроҳлик травмасини минималлаштириш ичак перисталтикаси ва операциядан кейинги эрта даврда барча ижобий ўзгаришлар натижаси тез қайта тикланишини кафолатлайди. Шунинг учун, солиштирилган гуруҳларда ичак стомасини шакллантириш усуллари ўртасида фарқ йўқлигига қарамасдан, яқуний натижа беморларнинг асосий гуруҳида яхши (3-жадвалга қаранг).

Кўп ҳолларда стома асоратлари масалан, стома атрофидаги терининг мацерацияси, стома атрофи дермотити стомаларнинг парвариши билан боғлиқдир. Шунинг учун биз бу ҳолатларни ҳамроҳ сифатида кўриб чиқмадик, чунки улар инсон омили билан боғлиқдир ва биз жадвалда алоҳида бу асоратни ажратиб қўймасликка қарор қилдик. Стома реконструкция 2 (10%) нафар беморларда талаб қилинди, бошқа ҳолларда, асоратлар консерватив даволаш томонидан бартараф этилди.

3-жадвал

Беморларнинг таққосланган гуруҳларида энтеро ва колостомия шаклланигандан кейинги асоратлар (n= 20)

Стома асоратлари	Солиштириш гуруҳи n= 7		Асосий гуруҳ n=13		Жами	
	абс.	%	абс.	%	абс.	%
Стома атрофидаги жароҳат четларининг очилиши –ичак эвентрацияси	1	14,3±14,3	1	7,7±7,7	2	10,0±6,9
Параколостомик абсцесс	2	28,6±18,4	-	-	2	10,0±6,9
Стома стриктураси	1	14,3±14,3	1	7,7±7,7	2	10,0±6,9
Периколостомик чурра	1	14,3±14,3	-	-	1	5,0±5,0
Жами	5	71,4±18,4	2	15,4±10,4*	7	35,0±10,9

Изоҳ * фарқларнинг аҳамияти назорат гуруҳидан олинган кўрсаткичларга нисбатан сезиларли даражада (P< 0,05)

Эрта операциядан кейинги даврда ички аъзолар етишмовчилиги белгиларининг ошиши, албатта, тананинг ички заҳираларига боғлиқ. Шунинг учун, тенг даволаш ва парваришда ҳам, кичик тана массали ва гестацион ёшли болалар нобуд бўлишди (4-жадвалга қаранг).

4-жадвал

Таққосланган гуруҳларда беморларнинг тана вазни ва гестация ёшига қараб ўлим даражаси

Тана вазни	Солиштириш гуруҳи, n=34	Асосий гуруҳ, n=37	Жами

	абс.	%	абс.	%	абс.	%
999 кам	-	-	2	5,4±3,8	2	2,8±2,8
	-	-	2	5,4±3,8	2	2,8±2,8
1000-1499	8	23,5±7,4	8	21,6±6,9	16	22,5±5,0
	7	20,6±7,0	5	13,5±5,7	12	16,9±4,5
1500-1999	7	20,6±7,0	9	24,3±7,2	16	22,5±5,0
	6	17,6±6,6	3	8,1±4,5	9	12,7±4,0
2000-2499	8	23,5±7,4	11	29,7±7,6	19	26,8±5,3
	4	11,8±5,6	2	5,4±3,8	6	8,5±3,3
2500 ва кўпроқ	11	32,4±8,1	7	18,9±6,5	18	25,4±5,2
	6	17,6±6,6	1	2,7±2,7*	7	9,9±3,6
Жами	34	47,9±6,0	37	52,1±6,0	71	100
	23	32,4±5,6	13	18,3±4,6*	36	50,7±6,0

Изох: суратда-бу беморларнинг сони, махражда (/белгиси билан ажратилган) ўлим сони ва фоизи * - фарқларнинг аҳамияти назорат гуруҳидан олинган кўрсаткичлар билан таққослаганда сезиларли даражада ($P < 0,05$)

4-жадвални таҳлил қилишда маълум бир муносабатлар яққол кўзга ташланади, «янги туғилган чақалоқнинг вақтидан олдин туғилиши қанча чуқур бўлса (кам тана вазни, гестацион ёши, туғма аномалиялар мавжудлиги, ҳамроҳ касалликлар), ўлим даражаси шунчалик юқори бўлади ва аксинча».

Беморларнинг асосий гуруҳида ўлим даражаси сезиларли даражада паст: солиштириш гуруҳида 67,6% ва асосий гуруҳда 35,1%, мос равишда – 32,5% фарқ аниқланди. Қиёсий таҳлил натижалари шунини кўрсатадики, эрта операциядан кейинги даврда беморларнинг асосий гуруҳида ўлим даражаси сезиларли даражада пасайган.

Шундай қилиб, биз уни солиштириш гуруҳи билан қиёсласак - (34/23-67,6%) : (37/13-35,1%) = 1,5 марта диагностика ва даволаш мақсадида эндовизуал технологиядан фойдаланган ҳолда НЭЖнинг жарроҳлик босқичини даволаш натижалари сезиларли даражада яхшиланди.

Шундай қилиб, асосий гуруҳ беморларида энтеро ва колостомиясиз радикал операция лапароскопик технология минилапаротомия орқали 29,7% (37 та бемордан 11 та) ҳолларда операциялар амалга оширилди. Операциялар нитажиси 1 ҳолатда, яъни 9,1% ҳолатда ҳалокатли натижа билан тугади. Бу шунини англатадики, агар биз ДЛни хирургик даволашнинг кейинги тактикасини белгиловчи диагностик усул сифатида кенгроқ жорий этсак ва ДЛ билан хирургик даволашни бошласак, жарроҳлик босқичидага НЭЖга чалинган болаларни даволашда муваффақиятга эришамиз.

ХУЛОСАЛАР

“Янги туғилган чақалоқларда некротик энтероколитни ташхислаш ва даволашни такомиллаштириш” номли тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация иши натижаларига асосланган ҳолда қуйидагилар хулоса қилинди:

1. Ретроспектив таҳлил натижасига кўра некротик энтероколитда юқори ўлим кўрсаткичига сабаб бўлувчи омиллар бу хирургик босқични кечикиб аниқланиши, ичаклар некрози, ичаклар перфорацияси, перитонит ва сепсис экани аниқланди. Ичаклар перфорациясидан кейинги амалга ошириладиган лапаротомия кечиккан амалиёт хисобланиб, етарли даражадаги хирургик амалиётни бажариш имкониятини чегаралайди.

2. Некротик энтероколитда диагностик лапароскопия клиник белгиларни ва босқичларини системалаштириб, хирургларга оптимал хирургик амалиётни тизимлаш имкониятини беради.

3. Диагностик лапароскопия билан НЭК ни II Б босқичида ичаклар зарарланган қисмига баҳо берилиб минилапаротомия видеоассистентлаш орқали ичаклар зарарланган қисмини резекция қилиб анастомозлар қўйишга имкон беради.

4. Некротик энтероколитга 15,6% ҳолларда пневмоперитонеумни ошқозон перфорацияси сабаб бўлади. 60% ҳолларда ошқозон дефектини минилапаротомия видеоассистентлаш орқали тикиш мумкин.

5. Некротик энтероколитнинг III А ва Б босқичларида, минилапаротомия видеоассистентлаш орқали энтеро ва колостомия шакллантириш жарроҳлик травмасини камайтиради, янги туғилган чақалоқларни жарроҳлик даволашда якуний натижасига ижобий таъсир кўрсатади, айниқса ҳамроҳ патологияси ва асосий касаллик асоратлари бор беморларда.

6. Некротик энтероколитнинг хирургик босқичи билан азият чекаётган янги туғилган чақалоқларнинг асосий гуруҳ беморларида эндовизуал технологияларни ва яратилган алгоритмни қўлланилиши беморларни стационар даволаниши, исталмаган асоратларни ва операциядан кейинги ўлимни 32,5% га камайтириш имконини берди.

7. Некротик энтероколит сабаб бўлиб қўйилган стомани ёпилиши учун кўрсатмалар боланинг умумий ҳолатини чуқур баҳолаш ва ҳар бирига алоҳида ёндашувни талаб этади. Бемор организмнинг тикланиш вақти кўплаб объектив ва субъектив омилларга боғлиқ.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИ СУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
PhD.04/30.12.2019.Tib.102.01 ПРИ САМАРКАНДСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ МЕДИЦИНСКОМ ИНСТИТУТЕ**

ТАШКЕНТСКАЯ МЕДИЦИНСКАЯ АКАДЕМИЯ

УМАРОВ КОСИМЖОН МИРЗАКУЛОВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ДИАГНОСТИКИ И ЛЕЧЕНИЯ
НЕКРОТИЗИРУЮЩЕГО ЭНТЕРОКОЛИТА У НОВОРОЖДЕННЫХ**

14.00.35 – Детская хирургия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

САМАРКАНД – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2018.2.PhD/Tib708.

Диссертация выполнена в Ташкентском медицинском академии.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.sammi.uz) и Информационно-образовательном портале "Ziyonet" (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: Абдусаматов Бобир Закирович
доктор медицинских наук

Официальные оппоненты: Хамраев Абдурашид Журакулович
доктор медицинских наук, профессор

Ахмедов Юсуф Махмудович
доктор медицинских наук, профессор

Ведущая организация: Республиканский перинатальный центр МЗ РУз

Защита диссертации состоится «15» мая 2021 г. в 13⁰⁰ часов на заседании Научного совета PhD.04/30.12.2019.Tib.102.01 при Самаркандском Государственном медицинском институте. Адрес: 140100, г.Самарканд, улица Амира Темура, дом 18. Тел./факс:(+99866) 233-30-34, e-mail: ilmiyprorektori@sammi.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского Государственного медицинского института (зарегистрирована за № ~~40719~~ Адрес: 140100, г.Самарканд, улица Амира Темура, дом 18. Тел./факс: (+99866) 233-30-34.

Автореферат диссертации разослан «10» мая 2021 года.
(реестр протокола рассылки № ___ от _____ 2021 года).



А.М. Шамсиев
председатель Научного совета по
присуждению ученых степеней, доктор
медицинских наук, профессор

Г.З. Шодикулова

ученый секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней, доктор
медицинских наук

Ж.О. Атакулов

председатель Научного семинара при Научном
совете по присуждению ученых степеней, доктор
медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В современном мире рост заболеваемости некротическим энтероколитом среди новорожденных определяет его медико-социальную значимость. Несмотря на положительные результаты, достигнутые в уходе за маловесным новорожденным, увеличение частоты возникновения некротического энтероколита играет важную роль в самочувствии ребенка. Переход на новые критерии живорождения, рекомендованные Всемирной организацией здравоохранения (ВОЗ), свидетельствует об актуальности проблемы ухода и лечения больных некротическим энтероколитом. «... В среднем будет диагностировано 1–5 случаев на 1000 родившихся живыми детей, среди которых 80–90% недоношенные дети и дети с недостаточным весом ... среди отдаленных последствий неадекватного питания на ранних стадиях развития плода/ребенка риск заболеваний и их смерти в любой период жизни возрастает в 4–10 раз ...»¹. Лечение некротического энтероколита является одной из сложнейших задач, возложенных на неонатолога и неонатального хирурга, выбор оптимального метода лечения остается современным требованием практической медицины.

В мире особое внимание уделяется научным исследованиям, направленным на раннюю диагностику некротического энтероколита в глобальном масштабе и выбор альтернативных вариантов лечения, совершенствование хирургических методов лечения. С учетом, что «... масса тела в родах колеблется от 500 г до 1500 г, а у пациенток с гестационным возрастом <32 недель 7% подвергаются некротическому энтерокоlitу. Хирургические стадии некротического энтероколита встречаются в среднем у 50% больных детей ...»², рост заболеваемости, широкое распространение осложнений, совершенствование методов хирургического лечения имеют сегодня особое значение.

В нашей стране обозначено ряд задач по повышению качества медицинской помощи, оказываемой населению, в том числе по адаптации медицинской системы к требованиям мировых стандартов, диагностике, лечению и профилактике осложнений некротического энтероколита у новорожденных, а также «... повышение удобства и качества специализированных медицинских услуг, дальнейшее реформирование системы скорой и неотложной медицинской помощи, профилактика

¹ Hirst J., Villar J., Kennedy S., Bhutta Z. Being born stunted and/or wasted need not be inevitable/International Pediatric Association Newsletter Year 2015. Vol. 10; Issue 1: 9–14.

² Gonzalez-Hernandez J., Prajapati P., Ogola G., et al. /Predicting time to full enteral nutrition in children after significant bowel resection. //J Pediatr Surg. 2017 May;52(5):764-767.

инвалидности ...»³. В связи с этим, актуально и важно проводить научно-исследовательскую работу по снижению показателей младенческой смертности и инвалидности в результате совершенствования диагностики и лечения некротического энтероколита у новорожденных.

